



## ЎЛКАМИЗДА ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

*Бердиев Н.О.*

*Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети  
“Ижтимоий-гуманитар фанлар ва жисмоний тарбия” кафедраси  
катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ер ости фойдали қазилмалари, Туркистон ўлкаси, тоғ-кон округи, кончилик, фойдали қазилма конлари, тоғ-кон муҳандиси.

**Ключевые слова:** подземные полезные ископаемые, Туркестанская область, горный район, горное дело, месторождения полезных ископаемых, горный инженер.

**Key words:** underground minerals, Turkestan region, mountainous area, mining, mineral deposits, mining engineer.

### **РЕЗЮМЕ:**

Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида XIX аср иккинчи ярмида ер ости фойдали қазилма конларининг геологик ўрганилиши, табиий бойликларни ўзлаштиришнинг бошланиши тарихи ёритилган.

### **РЕЗЮМЕ:**

В данной статье освещена история геологического освоения подземных месторождений полезных ископаемых и начало освоения природных ресурсов Туркестана во второй половине XIX века.

### **SUMMARY:**

This article covers the history of geological development of underground mineral deposits and the beginning of the development of natural resources of Turkestan in the second half of the 19th century.

Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлиги ҳудудларида XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия империяси саноатчилари, тадбиркорлари ва уларнинг қўллаб-қувватлаши билан геолог олимлари томонидан геологик – қидирув ишлари кенг миқёсда олиб борилиб, янги олтин, мис, тошкўмир, нефть ва бошқа шу каби қазилма бойликлар конлари кашф қилинди, улардан саноат усулида фойдаланишга ҳаракат қилиниб, мамлакатнинг ривожланиб бораётган саноат, ҳарбий, темир йўл эҳтиёжларини қондириш асосий мақсад қилинди.

Марказий Осиёдаги Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидаги табиий ер ости фойдали қазилма конларини ўрганиш ишлари анча олдин Россия империяси томонидан хонликларга юборилган элчиликлар ва уларнинг таркибидаги мутахассислар томонидан XVIII- XIX асрлардаёқ бошланган бўлсада, ўлкамиз ҳудудлари Россия империясига таркибига киритилиб 1867- йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилганидан кейин, бу борадаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилиб ривожланишига тurtки берилди.

Геология-қидирув, тоғ-кон саноатини ташкил этиш бўйича барча амалга ошириладиган ишлар, фаолиятни мувофиқлаштириб бориш учун Туркистон генерал – губернаторлиги ҳузурида Туркистон тоғ-кончилик округи ва унинг раҳбари – тоғ-кон муҳандиси лавозими таъсис этилди. Бу муассасанинг ва унинг раҳбарининг асосий вазифаси Туркистон генерал-губернаторлигининг Еттисув, Сирдаё, Самарқанд, Фарғона, Каспийорти вилоятлари ҳамда Россия империясининг протекторати остида бўлган ҳудудларда геологик – қидирув ишларини ташкил қилиб бориш, назорат қилиш, ер ости фойдали қазилма кон бойликларининг ўзлаштирилиши учун империя доирасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар, саноатчиларга хусусий тартибда иш олиб боришлари учун тегишли хулосалар бериши ва бошқа ваколатлари белгиланган эди.

Тоғ-кон ишлари бўйича округи ва унинг турли даврлардаги раҳбарлари ўлкамиздаги ер ости табиий қазилма бойликларини ўрганиш, қидириб топиш ва ўзлаштириш ишларини мувофиқлаштириб турди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган, Туркистон тоғ-кон муҳандисининг ҳужжатлари таҳламларини ўрганиш натижасида, Туркистон ўлкасида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида геология - қидирув ва кончилик ишлари аҳволи тўғрисида кизиқарли маълумотларга дуч келиш мумкин. Жумладан, 1893 – 1904 йиллар давомида Туркистон ўлкасининг турли вилоятлари, уездларида аниқланган хилма-хил фойдали ер ости табиий қазилма бойликларининг конларини тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш мақсадида Россия империяси доирасида яшовчи империя фуқароларидан 931 нафар киши ариза билан билан муурожаат қилиб, кон муҳандисидан ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномалари беришни сўраганлар. Тоғ-кон муҳандиси томонидан илтимос қилувчи фуқароларнинг аризаси қабул қилинганидан бошлаб унинг ҳар томонлама аҳволини, касб – кори, сармоясини, тадбиркорлиги ўрганилиб кейин Туркистон ўлкасининг аниқ белгиланган манзилларида тоғ-кон ишларини юритиш учун муайян муддат учун ижозат



этувчи рухсат гувоҳномалари юқорида айтилган конларни тадқиқ этиш ва ўзлаштириш талабгорларининг 428 нафарига берилган, агар мазкур фуқаро рухсат гувоҳномасида белгиланган муддатда коннинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштиришни йўлга қўйишни удалай олмаса, ёки иш юритишни йўлга қўймаса унга тегишли бўлган ер ости фойдали қазилмалари жойлашган ҳудудлар олиб қўйилиши, бошқа фуқароларга берилиши мумкин бўлган.

Империя фуқаролари ўртасида Туркистон ўлкасининг ер ости фойдали қазилма кон бойликларининг ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган қизиқиш 1899 йилдан кейин кучайганлигини Туркистон генерал-губернаторлигининг тоғ-кон округи раҳбари – тоғ-кон муҳандиси номига ариза билан мурожаат қилувчи фуқаролар сонининг ортиб борганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин: 1899 - йилда ер ости фойдали қазилма бойликларни ўрганиш, тоғ-кон қидирув ва ўзлаштириш ишлари билан шуғулланиш учун 112 нафар фуқаро мурожаат қилган, улардан 40 нафар фуқарога ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномалари берилган; 1900 - йилда 160 фуқаро мурожаат қилган, улардан 97 киши рухсат гувоҳномасини олган; 1901- йилда фуқаро киши мурожаат қилган, 88 кишига рухсат гувоҳномалари берилган; 1904- йил 200 киши мурожаат қилган, 26 кишига рухсат гувоҳномалари берилган[1].

Масалан, империя фуқароларидан княз Лобанов – Ростовскийга Фарғона вилояти, Наманган уездидаги Қиркгули волостида 1200 квадрат сажен майдонда жойлашган олтин конлари, империянинг фахрий фуқароси Н. П. Савинковга 1893 - йилда Чимкент уездида 2160 квадрат сажен майдонда жойлашган кўмир конлари, табиатшунослик фанлари кандидати Ф. Р. Назаровга Фарғона ва Қўқон уездларидаги тошкўмир конлари жойлашган ҳудудлар, 1898- йилда Д. К. Мишенков ва Лобанов – Ростовскийга Тошкент уезди Александровский волостидаги мис - руда конлари жойлашган ҳудудлар, 1901- йилда истеъфодаги поручик Хрушевга, савдогар Л. К. Вернерга Марғилон, Қўқон уездларидаги нефть конларини ўрганиш ва ўзлаштириш учун рухсат гувоҳномалари берилиб[2], улар томонидан конларни қазиб олишни йўлга қўя бошланади. Тоғ-кон округи томонидан кон ишларини юритувчи кишиларнинг фаолияти, молиявий аҳволи давлат органлари ва Давлат банкининг бўлимлари томонидан назорат қилиб борилган.

Туркистон ўлкасида бўш давлат ерлари тоифасига кирувчи ерларда кон – қидирув ишларини олиб борувчи шахслар фаолиятини, улар эгаллаган ер майдонлари, ҳамда манзилларини қайд қилиб бориш учун

улар томонидан махсус рўйхат дафтари жорий қилиниб ёзиб борилган. Мустамлакачилар томонидан ўлкадаги ер ости бойликларининг тезроқ ўзлаштириш мақсадида, бу иш билан шуғулланаётган шахсларга давлат банклари орқали маблағлар ҳам ажратилган. Масалан, кончилик муҳандиси Д. К. Мишенков ер ости бойликларини қазиб олиш учун зарур бўлган ускуналар учун давлат банкidan олган ссудани кафолатлаш учун ўзига тегишли бўлган Тошкент уезди Ҳожикент қишлоғи яқинидаги мис ва тошқўмир конларини, шунингдек Бурчмулла қишлоғи яқинидаги мис – қалай кони, Угом дарёси бўйлаб жойлашган тошқўмир конларига тегишли ҳужжатларни банкка топширади. Давлат банки бўлими, Туркистон тоғ-кон округи тоғ-кон муҳандисига ушбу ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Д. К. Мишенковнинг олиб бораётган кон саноати ишлари аҳволи ҳақида сўров киритади [3].

Ўлкамизда темир йўлнинг ўтказилиши билан кон – қидирув ишларига янада катта эътибор қаратилиб, транспорт, саноат эҳтиёжларини қондириш учун тошқўмир, нефть конлари кенг ҳудудлар бўйлаб ўрганилиб, ўзлаштирила бошланади. Туркистондаги қазилма бойликлар конларининг ўзлаштирилишига, империя зироатчилик ва давлат мулклари вазирлиги ҳам аралашиб, ўзларига тегишли шахсларга фойдали қазилма конларини ажратиш учун Туркистон генерал – губернаторига маълум бир тавсиялар берадилар. Жумладан, 1898- йил савдогар Петровга тегишли Навката қишлоғи яқинидаги тошқўмир конлари Антон Глаз исмли фуқарога, 1900- йил 4 - августда Хўжанд яқинида жойлашган Кўкинасой тошқўмир кони империя фуқароси князь Лобанов – Ростовскийга ҳеч қандай савдоларсиз ва шартларсиз берилиши шахсан империянинг Зироатчилик ва давлат мулклари вазири Ермолов номидан сўралган [4].

Албатта, ушбу ер ости фойдали қазилма конига эгалик қилишни даввогарлари ер ости табиий бойликлари конларининг кай даражада фойдалилиги яъни маъдан таркибидаги фойдали қазилма компонентларининг юқори фоизда бўлиши ҳамда қазилма конининг аҳоли турар жой пунктларига яқин бўлган ҳудудларда, ишчи кучининг етарли ва арзон бўлишини, транспорт турларининг кириб борадиган манзилларга яқин жойларда эканлигига алоҳида эътибор қилинган. Россия саноатчилари, тадбиркорлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида Туркистон ўлкасининг турли туманларида кончилик ишларининг саноат даражасида олиб чиқишга ҳаракат қилинган, бу эса империянинг олтин, нефть, кўмир каби бошқа табиий ер ости бойликларга нисбатан ўсиб келаётган эҳтижларини қондиришга хизмат қилиши керак эди.



Ўлкамизнинг табиий ер ости қазилма бойликлари конлари, уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида маҳаллий тарихчиларнинг ҳам асарларида баъзи маълумотлар келтирилади. Масалан, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” (XIX аср) асарида Тошкент воҳасидаги Хўжа Муродбахш, Жата, ва Мўғул, Идрис тоғлари, Кабутари кумуш конлари, Қурама тоғ тизмаларида туз, темир, кўрғошин, мис, олтингугурт, нефть, олтин, кумуш, ёқутнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, қора мрамор ва бошқа конлар борлиги ҳамда баъзи конлардан фойдаланилаётганлигини ёзган.

Ўлкамиздаги қазилма бойликлари туб жой аҳоли манфаатлари учун эмас балки марказ манфаатлари учун хизмат қилиши керак эди. “Фойдали қазилмаларнинг конларида илгари металл эритадиган ўчоқлар ва устахоналар бўлган. Уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам сақланиб қолган... Фаррак (Чирчик) дарёси бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерда олтин қидирувчилар кумни ювиб олтин оладилар. Зарталош деган жойда заргарлик устахоналарининг харобалари ҳозир ҳам бор”[5] - деб ёзганди М. Солиҳ.

Архив материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XIX аср охири- XX аср бошларида нафақат Россия фуқаролари, балки чет эл мутахассислари ҳам Туркистон ўлкасидаги ер ости табиий бойликларни ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдириб Россия ҳукуматига мурожаат қилганлар. Шулардан Э.И.Миллер (нефт), кумуш ва кўрғошин П.Ф.Фосс, симоб М.А. Грец, олтин П.А.Шошш, темир А.А.Пандер, оҳактош ва озекерит К.Р. Парлаумер, кварцкум Н.Д.День, олтингугурт М.Ф.Лацинг, феруза И.Шпенист, маъданли шифобахш сувлар Г.Терех, С.Шмидт каби немис мутахассислари томонидан ўрганилган.[9]. Масалан, В.Н. Вебер ва И. Краузелар XIX аср 90-йилларида Фарғона водийсидаги тошкўмир, нефть, ош тузи, тоғ муми - озекерит конларини аниқлаш ва ўрганиш билан шуғулланган.

Англия тоғ-кон синдикати вакили А. Нобель Туркистонга мис конлари ҳақида маълумот тўплаш, имкони бўлса, бир неча рухсатномани қўлга киритиш мақсадида келган. У “Туркестанские ведомости” газетаси муҳбири билан ўзаро мулоқотда: “Ўлкада мис конлари яхши тадқиқ этилмаганлиги ва губернаторлик ҳукумати англизларнинг ўлкадаги барча табиий бойликларни қўлга киритишидан ҳадиксирашини” алоҳида таъкидлайди.[6] А. Нобель синдикати ўз даромадининг 80 фоизини Россия империясида ишчиларга сарфлаган.

1915 йилда Туркистон тоғ-кон округи раҳбари тоғ-кон муҳандиси С. Леонов Туркистон генерал- губернатори номига тайёрлаган “Россиянинг

Туркистондаги мулклариди олтин харид қилиш тўғрисида” ҳисоботида кончилик соҳасидаги фаолиятни ривожлантиришнинг асосий муаммоларига тўхталиб ўтган. Туркистонда, жумладан, Бухоро амирлигида йилга юз пудлаб олтин қазиб олиниши, унинг асосий қисми Россия хазинасини четлаб, Қошғар, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга яширинча сотилишини, бунинг олдини олиш ва Россия империясининг ғазнасига қўшимча даромад тушиши учун Туркистонда хуфиёна олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятини қонуний қилиш ҳамда улар қазиб олаётган олтинни адолатли нархларда ҳукумат томонидан сотиб олинишини йўлга қўйишни таклиф этади.

Хулоса қилганда ХХ аср бошларига қадар геология-қидирув ва кончилик саноатига асос солиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўлкада мазкур йўналишда баъзи бир ишларни йўлга қўйишга асос бўлса ҳам кейинги даврларда бу соҳаларга катта эътибор берилди.

Мустақиллик халқимизга нафақат озодлик, хурликни балки ўз мамлакатимиз ҳудудларидаги ер ости табиий қазилма бойликларимизга эғалик қилиш, тасарруф қилиш имкониятини берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтин, мис, кумуш, нефть, газ каби ер ости бойликлари давлатимиз иқтисодий қудратини, ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси МДА, И-41, и-84, б-313;
2. Ўзбекистон Республикаси МДА, И-41, и-74, б-116;
3. Ўзбекистон Республикаси МДА, И -41, и-75,б-152;
- 4.Ўзбекистон Республикаси МДА, И-41, и-84, б-69.
5. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида.-Т.: Фан; 1983.-Б. 54. (Urinbaev A., Buriev O. Tashkent in the description of Muhammad Salih.-Т.: Science; 1983.-P. 54.).
6. Раҳматиллоев И. Чотқол ва Қурама тоғ конлари.-Т.: VEKTOR-PRESS; 2011.- Б.18.
- 7.Иванович С. Англичане в Туркестане// Туркестанские ведомости// ; 1912.-№41; 1914.-№101) (Ivanovich S. Englishmen in Turkestan // Turkestanskije vedomosti //; 1912.-No.41; 1914.-No.101)).